

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА САЙЛОВ ЖАРАЁНЛАРИГА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Д. А. Мусаджанова

*Федерал Давлат бюджети Олий таълим муассасаси
“Илмий тадқиқот университети “Москва энергетика
институту”нинг Тошкент шаҳридаги
филиали катта ўқитувчиси*

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида сайлов жараёнларига рақамли технологияларни жорий этиш механизмлари ҳақидаги муаллифлик фикрлари баён қилинган.

Аннотация: В данной статье изложены взгляды автора на механизмы внедрения цифровых технологий в избирательные процессы в Республике Узбекистан.

Annotation: This article presents the author's views on the mechanisms for introducing digital technologies into electoral processes in the Republic of Uzbekistan.

Калит сўзлар: интерактив харита (geoportal), Оқруғ сайлов участкалари, ўқув материаллари (контентлар), масофавий ўқитиш.

Мамлакатимизда сайлов жараёни янада такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири – рақамли технологияларни кенг жорий этишдан иборатдир. Мазкур йўналишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг тегишли қарорлари қабул қилинган ва уларда сайлов жараёнларига ИТ технологияларни кенг жорий этиш ва ушбу йўналишни рақамлаштириш юзасидан аниқ вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 4 октябрдаги ПҚ–3961-сон қарори ана шундай ҳужжатлар сирасига киради.

2019 йилда республикада ўтказилган Парламент сайловларида сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш бўйича олинган

тажрибадан келиб чиқиб, 2023 йил 9 июль куни ўтказилган муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш жараёнларида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Аввало, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шунингдек шаҳар ва туманлар миқёсида сайлаш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар ҳақидаги маълумотларни аниқлаштириш учун мутасадди вазирлик ва идоралар (жумладан Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, маҳаллий ҳокимликлар ва бошқалар) вакилларида иборат штаблар тузилди.

Иккинчи навбатда, ҳудудларда ташкил этилган штаблар томонидан 7,2 миллиондан ортиқ хонадон ва 23,8 миллион нафар фуқаронинг маълумотлари ўрганиб чиқилди.

Учинчи навбатда, кўчмас мулк объектлари тўғрисида давлат органлари томонидан тегишли ахборотлар рақамлаштирилиб, уларни реал вақт режимида янгилаш ишлари амалга оширилиши йўлга қўйилди.

Тўртинчи навбатда, сайлов участкаларининг жойлашуви ва уларнинг чегараларидан келиб чиқиб, интерактив харитани шакллантириш учун сайлов участкаларининг чегаралари белгилаб чиқилди.

Участка сайлов комиссиялари аъзоларини рақамли технологиялардан фойдаланиш кўникмаларига ўргатиш жараёнини ташкил қилиш мақсадида тегишли Концепсия тасдиқланиб, 30 нафар республика тренерлари тайёрланди.

Улар томонидан ҳудудий миқёсида 797 нафар тренер шакллантирилиб, уларнинг ҳар бири 14-15 та сайлов участкаларига бириктирилиб, 3-босқичда жорий йилнинг август ва сентябр ойларида жами 32 856 нафар сайлов комиссиялари аъзолари (оператор) ўқитилди.

Марказий сайлов комиссияси маълумотларига кўра, ўз-ўзини тайёрлаш учун тегишли ўқув материаллари – фойдаланувчи йўриқномалари, видеоролик, инфографика ва бошқалар тайёрланди.

Фойдаланувчиларга кўмак бериш, саволларга тезкор жавоб қайтариш ва юзага келган камчиликларни тезкорлик билан бартараф этиш бўйича 10 нафар малакали мутахассисдан иборат, кун-тун ишлайдиган қўнғироқларни қайта ишлаш маркази фаолияти йўлга қўйилди.

Республикада мавжуд 10 761 та сайлов участкаларининг барчаси телефон алоқаси билан тўлиқ таъминланганлиги коммуникацияларни тезлаширишга имкон берди.

Шундан 96,7 фоизи ёки 10 416 таси оптик толали юқори тезликдаги интернет тармоғига уланган. Қолган 3,3 фоизи ёки 345 таси мобил ва радио алоқа тармоғи ҳамда сунъий йўлдош орқали юқори тезликдаги Интернет билан таъминланди.

Сайлов жараёнларининг шаффоф ва ошқора ўтказилишини таъминлаш мақсадида Марказий сайлов комиссияси томонидан тақдим этилган рўйхатга асосан 207 та сайлов участкаларига 414 та видеокузатув камералари ўрнатилди.

Мазкур видеокузатув камерларини Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот марказида катта ҳажмдаги экранда, сайлов порталида ва Миллий телерадиокомпаниянинг “Ўзбекистон 24” телеканалида сайлов куни онлайн намойиш қилиш юзасидан техник ишлар амалга оширилди.

Шунингдек, Сайловчиларга қулайлик яратиш мақсадида Call-марказ ташкил этган ҳолда Марказий сайлов комиссияси учун “12 00” ва сайлов жараёнини техник қўллаб-қувватлаш учун “12 09” махсус қисқа рақамлари бириктирилди.

Сайлов жараёнларида ахборот ресурсларидан фойдаланишда қатор имкониятлар яратилди. Жумладан:

Президент сайлови портали ҳамда Марказий сайлов комиссияси расмий веб-сайтнинг янги талқини ишлаб чиқилди ва ишга туширилди;

Президент сайлови порталида Кадастр агентлиги билан ҳамкорликда Оқруғ ва сайлов участкалари ҳақида батафсил маълумот олиш имконини берувчи ҳамда қўшимча хизматларни кўзда тутадиган интерактив харита (geoportal) ишга туширилди.

Участка сайлов комиссияларини масофавий ўқитиш ва тест тизими (telegram bot), сайловга оид савол-жавоб, сайлов та’миноти ва сайлов участкасини аниқлаш бўйича махсус телеграм-бот ишга туширилди;

Сайлов қонунчилиги бўйича ўқув материаллари (контентлар)дан фойдаланиш бўйича мобил илова Тошкент шаҳридаги Инха университети томонидан ишлаб чиқилганлиги механизмларнинг сифатли ишлашини таъминлади.

Сайлов жараёнларини рақамлаштириш доирасида ишлаб чиқилган ахборот ресурслари, тизимлари, веб-сайтлар Ахборот технологиялари вазирлиги тизимидаги корхона ва ташкилотлар, олий ўқув юртлари мутахассислари томонидан яратилган ва техник қўллаб-қувватлаб борилади.

Хулоса қилиб айтганда, ИТ кадрларни тайёрлаш, ИТ компаниялар учун яратилган кенг имкониятлар ва шароитлар натижасида буларнинг барчаси маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилгандир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22-августдаги ПҚ-357-сон “2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Электрон ресурс: <https://lex.uz/ru/docs/6166541>

2. Analytical review “Human capacity in the field of digital development of Uzbekistan”, UNDP Uzbekistan, 2022.

3. Тошкент ахборот технологиялари университети маълумотлари 10. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари